



2023- yil – Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili

NAVBAHOR

E-mail: furqat-navbahor252@umail.uz

2023-yil 11-fevral,
shanba

Gazeta 2002- yil 12- feyraldan haftada bir marta chiqadi / № 3 (1038)

Furqat tumani hokimligining ijtimoiy-siyosiy nashri

КАДРИЯТЛАР КАДР ТОПАДИ

ФУРҚАТ ТУМАНИ МЕЗБОНЛИГИДА УЛОҚ-КЎПКАРИ ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

8 февраль куни "Тажриба" фермер хўжалиги ҳудудидаги "Фурқат улоқ майдони"да улоқ-кўпкари ўйинлари ўтказилди. Туман ҳокимлиги, секторлар ва ташаббускорлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада республикаимизнинг турли ҳудудларидан ва қўшни республикалардан 400 дан ортиқ чавондоз иштирок этди.



Турли вилоятлардан ташриф буюрган чавондозлар беллашуви давомида турли кўнгилочар томошалар ҳам ташкилланди.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

Маълумот ўрнида: Улоқ, кўпкари - Ўрта Осиё халқларининг қадимий оммавий, миллий ўйинларидан бири. Асосан, ғалаба ва ҳосил байрамлари, тўй ва сайиллар муносабати билан ўтказилади. Улоқ туркий халқлар орасида оммалашган. Турли жойда ҳар хил қоида бўйича (чортоқ, судратма, марра, пойга, пакка, минбар ва бошқа номлар билан аталган) улоқ ўйини уюштирилган.

Чавондозлар кўпкари ўтказиладиган кишлоқ томон бир неча кун аввал йўлга тушадилар. Меҳмон чавондозлар кўним топган хонадонларда туннинг ярмигача кўпкари ҳақидаги ажойиб-ғаройиб афсоналар, латифалар, ҳазил-мутуибалар авжига чиқади, мусобақада ишлатиладиган қоидалар ва янги атамалар ҳақида кизгин баҳслар бўлади. Оламдан ўтган марҳум устоз чавондозлар эсга олинади, кучли ва тажрибали чавондозларнинг тантилиги, жўмардлиги макталади, яхши отларнинг

ҳислатларига тасаннолар айтилади. Бу каби суҳбатлар майдонда ҳар доим камтарин, вазмин ва асосийси ҳалол бўлишга ундайди. Шу куни отларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Мўлжалдан ортиқ сув ёки ем берилмайди, ёмон кўзлардан асралади. Ҳеч қачон қамчи билан отнинг бошига урилмайди. Ҳар бир чавондознинг махсус тайёрланган кийимлари бошни қамчи ёки бошқа хавфли тасодифий зарбалардан



сақлайдиган телпаги, устида пўстини, шими, оёғида этиги, қўлида қамчиси бўлади.

Улоқ кўнгилочар томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан, ўғил болалар, йигитларни мард, жасур, эпчил, довурак қилиб тарбиялаш вазифасини бажарган. Улоқ ўйинлари от наслини яхшилашга, чидамли, тез ҳаракат қиладиган зотларини кўпайтиришга ёрдам қилган. Қорабайир, Араби, Ахалтекин, Курама, Лақай, Кустанай, Қорабоғ ва ҳозирги Орлов от зотлари улоқчи отлар ҳисобланади.

Тоиржон СИДДИҚОВ,
Фурқат тумани ҳокимининг кишлоқ
ва сув хўжалиги масалалари бўйича
ўринбосари.

Э Ё Л О Н

“НАВБАҲОР” ОБУНА - 2023

Юртимиз ва туманимиз ҳаётига оид энг сўнгги янгиликлар, хабар ва эълонлар, фойдали маълумотлар фақат бизда мужассам. 2023 йил учун севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилиш. Бунинг учун Сизга “Навбаҳор” почта-алоқа тармоғи боғланмасига ва унинг жойлардаги бўлинмаларига мурожаат қилишни тавсия этамиз. Инсонларнинг ўзига хос истак ва қизиқишлари бор. Муталаага бўлган рағбат эса уларнинг энг афзалидир.

Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси - 200 000 (икки юз минг) сўм.

Мурожаат ва ижро

Бугунги кунда секторлар кесимида туман бўйлаб аҳолининг долзарб муаммоларини аниқлаш, сектор, туман, вилоят ва республика кесимида уларни ҳал этишга қаратилган хонадонбай хатлов жараёнлари олиб борилмоқда. Туман раҳбари масъуллар билан биргаликда "Чеккўприк" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ишлар, маҳалла инфратузилмаси, ободонлаштириш тадбирлари ва аҳоли учун яратилган шароитларни ўрганди.

АҲОЛИНИНГ МУАММОЛАРИГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Маҳалланинг Гулобод кўчасида ҳудуд фуқаролари билан учрашиб, уларнинг муаммо ва тақлифлари ўрганилди.

Ўрганиш давомида Гулобод кўчасида Худойбердиева Гулнозахоннинг хонадонига бўлиб, 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, уй-жойи таъмирга муҳтожлиги аниқланди.

Туман раҳбари бошчилигида соҳа мутахассислари, маҳалла депутати, тегишли масъуллар бириктирилиб, 2 хонали уй-жой қуриб битказиш белгилаб олинди.

Шунингдек, фуқаронинг бандлигини таъминлаш, даромад манбаига эга бўлиши учун шароит яратиш мақсадида тикув машинаси олиб бериладиган бўлди.

Дастур доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, талон-торож қилинмаслиги, қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг бажарилиши бўйича салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллада олиб борилаётган ишлар кўздан кечирилди. Мутасаддиларга ишларни сифатли ва тез фурсатда



яқунлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Маҳаллада 2 млрд. 151 млн. сўм маблағ эвазига 11,5 км. ичимлик сув тармоғи тортиш, 1 та сув минораси ўрнатиш, 1 та сув қудуғи қазиш, 1 та сув насос ўрнатиш ҳисобига 524 та хонадонда 2 минг 196 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Бугунги кунда жараён давом эттирилиб, қазиш, тармоқ трубалари ўрнатиш, монтаж ишлари олиб борилмоқда.

ТУМАН ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ
ХИЗМАТИ.

Бандлик

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА 31 НАФАР ФУҚАРОЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Яқинда тумандаги "Киновидео" МЧЖ биносида барча хусусий корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасида туман ҳудудида жойлашган 60 дан зиёд корхона ва ташкилотлар ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналари, корхона фаолиятини тўлиқ ёритувчи кўргазмалар ҳамда мавжуд бўлган жами 482 та бўш иш ўринлари билан қатнашишди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, шу орқали уларнинг даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган меҳнат ярмаркасида ишсиз ёшлар, хотин-қизлар, туман Ички ишлар бўлими пробация ҳисобида турувчи шахслар жалб этилди.

Ярмаркада жами 167 нафар фуқаролар иштирок этиб, шундан 23 нафарини ёшлар ташкил этди. Ўтказилган меҳнат ярмаркасида 4 нафар фуқароларга ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. 15 нафар фуқаролар хусусий корхоналарга мустақил равишда ишга юборилди. 12 нафар фуқаролар ҳақ тўланадиган



жамоат иши билан таминланди. 5 нафар фуқаролар чеварчилик ва ошпазлик гуруҳларига касбга ўқитишга йўналтирилди.

Тадбир доирасида ярмарка ташкилотчилари ҳамда мутахассислар томонидан меҳнат қонунчилиги, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказилди, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Баҳромжон АБДУЛЛАЕВ,
Аҳоли бандлигига кўмаклашиш
маркази директори.



Бюджет кодексининг 99-моддаси, "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни, Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги "Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-52-171-11-0-К/22-сонли қарорига мувофиқ ҳамда туман Молия бўлимининг хатини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ҳамда 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги "Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга асосан ишлаб чиқилган Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги "Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-52-171-11-0-К/22-сонли қарорига мувофиқ 2023 йилга Фурқат тумани маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи, бюджетлараро трансферт 102 856,9 млн.сўм миқдорда тасдиқланганлиги ҳамда туман маҳаллий бюджет даромадлари 60 571,7 млн.сўм ва харажатлари эса 163 428,7 млн.сўм миқдордаги прогнозлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарорга асосан 2023 йилда:

а) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солигидан тушумлар 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) Қуйидаги солиқ турлари туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФУРҚАТ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

2022 йил 30 декабрь VI-59-191-11-164-К/22 Фурқат тумани

ФУРҚАТ ТУМАНИНИНГ 2023 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- айланмадан солиқ;

- якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

- давлат мулки бўйича ижара тўловлари;

в) туман маҳаллий бюджетига қуйидаги улушларда:

- қурилиш материаллари бўйича ер қавридан фойдаланганлик учун солиқ

туридан тушумларнинг 50 фоизи;

- яқуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилинганда акциз солигидан тушумларнинг 20 фоизи;

- ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағларининг 50 фоизи;

- юридик шахсларнинг ер солиғи ва мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

туридан тушган тушумларнинг 50 фоизи;

- давлат бюджетига ундириладиган жарималарнинг 30 фоизи;

- жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солигидан тушумларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солигидан ташқари) 50 фоизи ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар:

- туман маҳаллий бюджет даромадларининг 2023 йил учун прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

- туман маҳаллий бюджетидан 2023 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага;

- 2023 йил учун бюджет даромадларининг маҳаллий бюджет ўртасида тақсимланиши бўйича ажратма меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг

Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1 фоизи миқдорда шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2023 йил учун туман маҳаллий бюджет захира жамғармаси ҳажмлари 1 538,6 млн.сўм миқдорда тасдиқлансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетда кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорга кўра 2023 йил учун туман бюджетда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар ўтган йилга нисбатан ўзгаришсиз яъни 474,0 млн.сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман маҳаллий бюджет даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилатган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилиши қонун билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

8. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши

Кенгаш раиси

катъий белгилаб қўйилсин.

9. Туман ҳокимлиги маҳаллий бюджет маблағлари тақсимловчилар билан биргаликда:

- тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларини етарли даражада режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини таъминлаш;

- маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинадиган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар ҳокимликлар томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

- маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин.

10. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар Кенгашга киритиб борилишини таъминласин.

11. Мазкур қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимлиги (М.Орипов)га, бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (М.Валиев) зиммасига юклансин.

Ж. Жуманов

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФУРҚАТ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

2022 йил 30 декабрь VI-59-190-11-164-К/22 Фурқат тумани

ФУРҚАТ ТУМАНИ БЎЙИЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЕРЛАР УЧУН ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР БЎЙИЧА МУТЛОҚ МИҚДОРДА БЕЛГИЛАНГАН БАЗАВИЙ СОЛИҚ СТАВКАСИГА КИРИТИЛАЁТГАН КАМАЙТИРУВЧИ ВА ОШИРУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар миқдорларини белгилаш бўйича туман Молия бўлими ҳамда туман давлат солиқ инспекциясининг қўшма таклифи маҳқуullanсин.

3. Мазкур қарор билан:

- туман ҳудудидида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар миқдорлари 1-иловага;

- туман ҳудудидида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва

оширувчи коэффицентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

Халқ депутатлари туман Кенгашига Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

4. Фурқат тумани ҳокимлиги (М.Орипов), туман Молия бўлими (С.Ахмедов), туман давлат солиқ инспекцияси (Қ.Абдурахмонов)га:

- 3 кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффицентларни тумандаги шаҳарча ва

Кенгаш раиси

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 429 ва 437-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6121-Фармонининг 4-бандига мувофиқ туман Молия бўлими ва давлат солиқ инспекциясининг "қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар" лойиҳаси бўйича киритган таклифларини муҳокама этиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 9 декабрдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар қўллаш бўйича 06/04-34/4103-хдфу-сонли ҳамда туман Молия бўлими ва туман давлат солиқ инспекциясининг 2022 йил 21 декабрдаги 03/04-38/77-сонли ҳамда 27-019/21-сонли хатларига кўра, қуйидагилар:

- ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2023 йилда 1,1 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

- Фурқат тумани учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 24750,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 220,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

- келгуси йил базавий солиқ ставкасига

маҳаллаларга етказилишини таъминлаш;

- бир ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи тасдиқланган коэффицентлар бўйича солиқ ставкаларини жойларда тушунтириш ишларини ташиқил этсин.

5. Туман давлат солиқ инспекцияси (Қ.Абдурахмонов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

- солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

- тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташиқил этиш;

- ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириди.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Ж. Жуманов

Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги VI-59-190-11-164-K/22-сон қарорига 1-илова

Туман ҳудудида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ микдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар микдорлари

минг сўмда

Т/р	Туман номи	МФЙ лар номи	Коэффицент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун (1 га учун)
1	Фурқат тумани	Истиклол МФЙ	1,10	27 225
2	Фурқат тумани	Навбахор МФЙ	1,10	27 225
3	Фурқат тумани	Мустақиллик МФЙ	1,10	27 225
4	Фурқат тумани	Чиркай МФЙ	1,10	27 225
5	Фурқат тумани	Чилги жийда МФЙ	1,00	24 750
6	Фурқат тумани	Кўконбой МФЙ	1,00	24 750
7	Фурқат тумани	Болтакўл МФЙ	1,00	24 750
8	Фурқат тумани	Эски МФЙ	1,00	24 750
9	Фурқат тумани	Ардахшон МФЙ	1,00	24 750
10	Фурқат тумани	Тўрғай МФЙ	1,00	24 750
11	Фурқат тумани	Шунқор МФЙ	1,00	24 750
12	Фурқат тумани	Қизилқиек МФЙ	1,00	24 750
13	Фурқат тумани	Жангкетмон МФЙ	1,00	24 750
14	Фурқат тумани	Хайит МФЙ	1,00	24 750
15	Фурқат тумани	Эшон МФЙ	1,00	24 750
16	Фурқат тумани	Катта янги МФЙ	1,00	24 750
17	Фурқат тумани	Кичик янги МФЙ	1,00	24 750
18	Фурқат тумани	Чек кўприк МФЙ	1,00	24 750
19	Фурқат тумани	Томоша МФЙ	1,00	24 750
20	Фурқат тумани	Кўк дўппи МФЙ	1,00	24 750
21	Фурқат тумани	Янги МФЙ	1,00	24 750
22	Фурқат тумани	Кушчи МФЙ	1,00	24 750
23	Фурқат тумани	Калдушан МФЙ	1,00	24 750
24	Фурқат тумани	Кармак МФЙ	1,00	24 750
25	Фурқат тумани	Ингичка МФЙ	1,00	24 750
26	Фурқат тумани	Ўртақўргон МФЙ	1,00	24 750
27	Фурқат тумани	Шойимбек МФЙ	1,00	24 750
28	Фурқат тумани	Бекобод МФЙ	1,00	24 750
29	Фурқат тумани	Ғунча МФЙ	0,90	22 275
30	Фурқат тумани	Чекчувалдок МФЙ	0,90	22 275
31	Фурқат тумани	Беш оға МФЙ	0,90	22 275
32	Фурқат тумани	Полвонтош МФЙ	0,90	22 275
33	Фурқат тумани	Шўр МФЙ	0,90	22 275
34	Фурқат тумани	Ғаллакор МФЙ	0,90	22 275

Нотариус жавоб беради

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бериш тартибини биласизми?

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунига қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шунингдек, эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирилган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қobiliятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) қиради.

Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари қимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади. Хусусан, эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларини парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Нотариус эр-хотиннинг ёзма аризасига мувофиқ улардан бирига ёки ҳар иккисига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома эр-хотиннинг мавжуд умумий мулки ҳисобланган мулкигагина берилади.

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эридан(хотинидан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, мерос қабул қилиб олган меросхўрлар бу ҳуусида хабардор қилинади. Хабарномада эр-хотиннинг улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилган умумий мулк кўрсатилади, меросхўр норози бўлган тақдирда, ушбу масала бўйича судга мурожаат қилиш мумкин.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома матнида мол-мулкнинг тўлиқ тавсифи кўрсатилади.

Нотариус кўчмас мулк ёки автотраспорт воситасига нисбатан берилган эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалида, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиниши ҳақида ёзиб қўяди ва тушунтиради.

Аҳаджон ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон туманида ҳуусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

Халқ депутатлари Фурқат туманКенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги ВЙ-59-190-11-164-K/22-сон қарорига 2-илова

Туман ҳудудида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ микдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар микдорлари

Т/р	Туман номи	МФЙ лар номи	Коэффицент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун (1 кв учун)
1	Фурқат тумани	Истиклол МФЙ	1,10	242,0
2	Фурқат тумани	Навбахор МФЙ	1,10	242,0
3	Фурқат тумани	Мустақиллик МФЙ	1,10	242,0
4	Фурқат тумани	Чиркай МФЙ	1,10	242,0
5	Фурқат тумани	Чилги жийда МФЙ	0,90	198,0
6	Фурқат тумани	Кўконбой МФЙ	0,90	198,0
7	Фурқат тумани	Болтакўл МФЙ	0,90	198,0
8	Фурқат тумани	Эски МФЙ	0,90	198,0
9	Фурқат тумани	Ардахшон МФЙ	0,90	198,0
10	Фурқат тумани	Тўрғай МФЙ	0,90	198,0
11	Фурқат тумани	Шунқор МФЙ	0,90	198,0
12	Фурқат тумани	Қизилқиек МФЙ	0,90	198,0
13	Фурқат тумани	Жангкетмон МФЙ	0,90	198,0
14	Фурқат тумани	Хайит МФЙ	0,90	198,0
15	Фурқат тумани	Эшон МФЙ	0,90	198,0
16	Фурқат тумани	Катта янги МФЙ	0,90	198,0
17	Фурқат тумани	Кичик янги МФЙ	0,90	198,0
18	Фурқат тумани	Чек кўприк МФЙ	0,90	198,0
19	Фурқат тумани	Томоша МФЙ	0,90	198,0
20	Фурқат тумани	Кўк дўппи МФЙ	0,90	198,0
21	Фурқат тумани	Янги МФЙ	0,90	198,0
22	Фурқат тумани	Кушчи МФЙ	0,90	198,0
23	Фурқат тумани	Калдушан МФЙ	0,90	198,0
24	Фурқат тумани	Кармак МФЙ	0,90	198,0
25	Фурқат тумани	Ингичка МФЙ	0,90	198,0
26	Фурқат тумани	Ўртақўргон МФЙ	0,90	198,0
27	Фурқат тумани	Шойимбек МФЙ	0,90	198,0
28	Фурқат тумани	Бекобод МФЙ	0,90	198,0
29	Фурқат тумани	Ғунча МФЙ	0,75	165,0
30	Фурқат тумани	Чекчувалдок МФЙ	0,75	165,0
31	Фурқат тумани	Беш оға МФЙ	0,75	165,0
32	Фурқат тумани	Полвонтош МФЙ	0,75	165,0
33	Фурқат тумани	Шўр МФЙ	0,75	165,0
34	Фурқат тумани	Ғаллакор МФЙ	0,75	165,0

Ўқинг, бу қизиқ...

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ МОҲИЯТИ

Ҳар қандай давлатнинг тарихи - бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади.

Аҳолини рўйхатга олиш яқунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш - аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли ҳисобини юритиш амалиёти илк бор милoddан аввалги уч минг йилликдан бошланган. Бу жараён

дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Хиндистон, Хитой ва Японияни қамраб олган. Аҳолини рўйхатга олишдан мақсад солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Шунинг учун ҳам, бу аҳоли рўйхатларида асосан эркаклар рўйхатга олинган. Чунки, у пайтларда эркакларнинг иқтисодий ўрни юкори бўлган, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари қатнашган.

Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари ҳўжаликларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уйғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш бирликлари биринчи ўринга қўйилган.

Шохруҳ АБДИБАННОНОВ,
Фурқат тумани Статистика бўлими бошлиғи.

Ёшлигим...

Шеърят гулшани

О, ёшлигим, гул-гул ёшлигим,
Дарёдайин тошган шодлигим,
Болалигим, бегуборлигим,
Эслаб сени ўйларга толдим.

Ўй дўст, умр ўтяпти қара,
Кечагина шўх бола эдик.
Улғайибмиз, бир нафас мuddат
Бугун мана бобо ҳам бўлдик.

Ёшлик келар шамолдай шошиб,
Яхши-ёмон кунлардан ошиб,
Ғаниматдир ҳар бир кунимиз
Вақт ҳам ўтар селдайин тошиб.

О, ёшлигим, гул-гул ёшлигим,
Дарёдайин тошган шодлигим,
Болалигим, бегуборлигим,
Эслаб сени ўйларга толдим.

Юсуфжон ХАТАМОВ,
Меҳнат фаҳрийси.

9 fevral - Alisher Navoiy tavallud topgan kun

"NAZM VA NAVO" KECHASI O'TKAZILDI

Buyuk mutafakkirlar - Alisher Navoiy hamda Zahiriddin Muhammad Boburning asarlari zamon va makon tanlamaydigan, insoniyatni o'yga toldiradigan asarlar sirasiga kiradi. Ularning har bir bayti saboq, hayot yo'li ibratdir.

Joriy yilning 8-9-fevral kunlari Furqat tumani Madaniyat va turizm bo'limi qoshida tashkil etilgan "Quvonch" ashula va raqs xalq havaskorlik jamoasi tomonidan tumandagi 12-sonli Bolalar musiqa va san'at maktabida Alisher Navoiy tavalludining 582 yilligi hamda Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 540 yilligiga bag'ishlab, "Nazm va navo" kechasi o'tkazildi.

Unda mumtoz ohanglar jo'rligida maromiga yetkazib o'qilgan g'azallarni tomoshabinlar hayajon va ishtiyoq bilan tingladilar. Madaniyat bo'limi qoshidagi "Quvonch" ashula va raqs dastasi



tomonidan Navoiy va Bobur g'azallari asosida yaratilgan dilbar ashulalar, mumtoz qo'shiqchilik san'atining betakror namunalari jonli ijro etildi. Raqqosalarning jozibali raqslari esa kuy va qo'shiqlarga hamohang bo'lib, yanada uyg'unlik baxsh etdi.

Ra'noxon ISROILOVA,
Furqat tumani Madaniyat va turizm bo'limi rahbari.

BUYUKLAR YODI QALBIMIZDA

O'zbek xalqining buyuk shoiri va buyuk mutafakkiri Alisher Navoiy butun ijodiy faoliyatini insoniyatning baxti uchun kurashga, xalqning osoyishtaligi, mamlakatda obodonchilik ishlarini yuksaltirish, san'at hamda adabiyot taraqqiyotiga bag'ishladi.

Ulug' mutafakkir Alisher Navoiyning boy ma'naviy me'rosi asrlar osha butun bashariyatni hayratga solib, insonlar qalbiga, ong-u shuuriga insonparvarlik, ezgulik, sahovat ziyosini taratib kelmoqda.

Tumanimizning 9-umumiy o'rta ta'lim maktabida "Mahalla" xayriya jamoat fondi Furqat tuman bo'linmasi hamda maktab jamoasi bilan hamkorlikda buyuk bobomiz tavalludining 582 yilligiga bag'ishlab "Buyuklar yodi qalbimizda" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbir o'tkazildi. Ushbu tadbirda maktab o'quvchilari o'rtasida "Navoiyga ta'zim" mavzusida Navoiyxonlik va mushoira kechasi bo'lib o'tdi. Maktabning faol va ijodkor o'quvchilari tomonidan tashkil etilgan mazkur tadbirda Alisher Navoiy



g'azallari, ruboiy va hikmatli so'zlari yod olindi. Tadbir yakunida faol qatnashgan o'quvchilarga "Mahalla" xayriya jamoat fondi Furqat tuman bo'linmasining esdalik sovg'alari topshirildi.

"Mahalla" xayriya jamoat fondi
Furqat tuman bo'linmasi.

ALISHER NAVOIY - MILLAT QUYOSHI

Ayni kunlarda yurtimiz bo'ylab o'zbek adabiyoti tarixida yorqin iz qoldirgan, buyuk mutafakkir va davlat arbobi Alisher Navoiy tavalludining 582 yilligi nishonlanmoqda.



Tumandagi 3-DMTTda ham mazkur sanaga bag'ishlangan tadbir ko'tarinki ruhda o'tkazildi. Tadbir avvalida yurtimizda Navoiy bobomiz nomlari bilan yuritiluvchi bog'lar, ilm-fan, madaniyat maskanlari faoliyat ko'rsatayotganligi xalqimizning shoir siymosiga bo'lgan ehtiromining yorqin namunasi ekanligi ta'kidlandi. Ajdodlarimizning buyuk merosi yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda muhim ahamiyat kasb etishi haqida so'z yuritildi. Navoiyning ijodiy, ma'naviy merosi, jahon sahnasida tutgan o'rni va yoshlar tarbiyasidagi muhim jihatlari xususida atroflicha fikr-mulohazalar bildirildi.

Shuningdek, kecha davomida jazzi qalb egalari tomonidan ijro etilgan raqslar hamda mutafakkirning qalamiga mansub g'azallarga hamohang yangragan kuy-qo'shiqlar ishtirokchilar qalbiga bir olam quvonch bag'ishladi.

Hayotxon MAHMUDOVA,
3-DMTT direktori.

AJDODLAR RUHI MANGU BARHAYOT

Ulug' mutafakkir Alisher Navoiy asarlarini o'qiganingiz sayin bu xazina bamisoli buloq kabi qaynab chiqaveradi va inson ma'naviyatini boyitadi. Ruhan poklanishga undaydi. Shu bois barcha zamondoshlarimizni Navoiyni yanada ko'proq o'qishga, undagi ulug' g'oyalarni anglab yetishga da'vat etgimiz keladi.

Furqat tumani 17-DMTTda Alisher Navoiy tavalludining 582 yilligi munosabati bilan tadbir bo'lib o'tdi. Unda bolajonlar mutafakkirning g'azal va ruboiylarini yod olishdi, sahna ko'rinishlari namoyish etildi.

Alisher Navoiy o'zining shoh asarlari, nodir devonlari, betakror g'azal va dostonlari bilan bashariyat tamadduni va adabiyotiga beqiyos hissa qo'shgan. Chunki alloma qalamiga mansub, yuksak mahorat va betakror so'z san'ati ohangida yaratilgan, ulkan tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan bebaho ijod namunalari asrlar osha o'z mazmun va sayqalini yo'qotmay,



ulkan ma'naviy meros va adabiyotimiz gultojiga aylangan.

Zarnigoraxon XAYITOVA,
17-DMTT direktori.

BOBURNI ANGLASH BAXTI

**O'zni, ko'ngul, aysh bilan tutmoq kerak,
Bizni unutmog'ni unutmog' kerak.**

**Ayshu tarab g'ulbunig'a suv berib,
G'ussa niholini qurutmoq kerak.**

**Tiyr turur zuhd damidin ko'ngul,
Ishq o'ti birla yorutmog' kerak.**

**Har nimag'a g'am ema, g'am ko'p turur,
Aysh bila o'zni unutmog' kerak.**

Zahiriddin Muhammad Bobur.



"Boburnoma"ni yaratdi. Bugungi kunda bu asar dunyoning turli ixtisosdagi olimlari tomonidan hali - hamon o'rganib kelinmoqda. Chunki bu kitobda tarix, geografiya, etnografiya, biologiya va harbiylarga zarur bo'lgan ko'plab tarixiy ma'lumotlar mavjud.

Yana u zotning fiqh (islom huquqshunosligi)ga oid "Mubayyan" asari ham diyorimiz musulmonlari va yoshlarimiz uchun zaruriy manbalardan biridir. O'z davrida ushbu asar Bobur Mirzoning farzandlari Humoyun va Komron Mirzolarga mamlakatni boshqarishda dasturlamal bo'lgan.

Bobur Mirzo devoni ham kitobxonlar qalbidan chuqur joy olgan. Vatani sog'inchi ila yo'g'irilgan g'azal va ruboiylar, tuyuqlar, qit'alar, masnaviylar, muammolar hamda fardlar devonidan o'rin egallagan. Bugun dunyo ahli va she'riyat ixlosmandlari shoir ijodidan namunalarni yoddan ayta oladi. Yana bir ma'lumotni keltirishimiz juda zarur. Bobur nafaqat she'riyatda, shu bilan birga, musiqa borasida ham chuqur bilimga ega bo'lgan. Bu borada ham ko'plab ilmlarni egallagan edi. U zotning qalamiga mansub bo'lgan g'azallar o'sha davrning hofizlari tomonidan ijro qilingan. Bobomiz o'zining "Asrori musiqiy" asarini yaratgan. Ming afsuslar bo'lsinki, musiqa ilmiga bag'ishlangan bu asari hali - hamon topilgan emas. Uni topish va chuqur o'rganib, xalqimizga yetkazish, kelajak avlodning muhim vazifalaridan biridir.

Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, Zahiriddin Muhammad Bobur hazratlari butun bashariyat farzandi. Uning hayoti va ijodini chuqur o'rganish biz yoshlar uchun ham qarz, ham farzdir. Akademik Aziz Qayumov Boburga bag'ishlagan asarini "Boburni tushunish baxti" deb nomlagan edi. Bu ulug' siymoni anglash bizni komillik sari yetaklaydi. Atoqli boburshunos Zokirjon Mashrabov so'zi bilan aytadigan bo'lsak, "Boburni anglash yoshlar uchun muhimdir".

Hadiyaxon G'OFFOROVA,
Shahrixon tumani
56-umumta'lim maktabining
ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi.

NAVBAHOR
МУАССИС:
ФУРҚАТ ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010 8362
НАШР КЎРСАТ-
КИЧИ 7568



Бош муҳаррир Дурдона ҒОҒҒОРОВА

Саҳифаловчи-дизайнер
Алишер СОЛИЕВ

Нашр учун масъул:
Ёқубжон ИСОҚОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2007 йил 9 январда 12-019 рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳажми: А-3. Даврийлиги: ҳафтада бир марта. Адади: 805 нусха.

Буюртма № _____

Босишга топшириш вақти: 17.00

Топширилган вақти: 17.00

Газетанинг босма сифати учун босмахона, обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш учун эса Навбахор почта алоқа тармоғи жамоалари масъулдирлар.

Газета таҳририят компьютерида териблиб, саҳифаланди ва «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди.

Таҳририят манзили: 151700, Фурқат тумани ҳокимлиги биноси. Телефон: (+99873) 54 92 552. (+998 99) 601 13 16
Босмахона манзили: Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 71-уй.